

БИР НЕЧА ҲУКМ ЙОЗАСИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Рузиев Маъруфжон Муртазаевич

*Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Булунгур туман
судининг тергов судьяси*

Аннотация: Уибу илмий мақола бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашниң умумий қоидаларини таҳлил қилишга бағишиланган, шунингдек, қонун ва ҳаётий мисоллар билан тушунтирилган. Мақолада олимларниң ҳукм юзасидан жазо тайинлаш ҳақидаги фикрлари ҳам баён қилиниб, улар уч гуруҳга ажратилган.

Калит сўзлар: Олий суд, Жиноят кодекси, суд ҳукми, жазонинг узил-кесил муддати, чегирма миқдори.

Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш жазо тайинлашниң маҳсус тартиби бўлиб, шахсга нисбатан муайян жиноят учун ҳукм чиқарилганидан бошлаб асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлгунча ёки шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасидаги асосларига кўра янги жиноят содир қилган тақдирда суд айбордга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларини қўллаган ҳолда жазо тайинлайди⁸⁸.

Судлар томонидан кўрилган ишларниң кўпчилиги бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга оид эканлигини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан 2020 йилнинг 12 ойи мобайнида Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибida жазо тайинланган ишлар сони 5.142 тани, шахслар сони эса 5.640 тани ташкил этган⁸⁹.

Олимларниң бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш ҳақидаги фикрини куйидаги гуруҳларга бўлиб таҳлил қиласиз.

Биринчи гуруҳдагилар бир қанча жиноятниң мустақил тури сифатида бир неча ҳукмлар айблов ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг жазо тўлиқ ўталмагунига қадар содир этилган жиноятлар учун тайинланади деб кўрсатадилар. Жумладан, С.Г.Спивакнинг фикрича, бир неча ҳукмлар рецидив жиноятдан фарқ қилувчи бир қанча жиноят тури ҳисобланади. Бир қанча жиноятларниң мустақил тури сифатида бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш маҳкумниң суд томонидан тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг, бироқ асосий ва (ёки) қўшимча жазо

⁸⁸ Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. –Т.: ТДЮИ, 2003. -92-б.

⁸⁹ СОМнинг 15.04.2021 йил №36-21-сон хатига Олий судининг 03.05.2021 йил 7/14-8809-156-сон жавоб хати

тўлиқ ўталмаган ёхуд шартли ҳукм қилишда синов муддати, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда жазонинг ўталмай қолган қисми тугамай туриб жазонинг ижроси кечикирилган муддатда қасдан, шунингдек эҳтиётсизликдан янги жиноят содир этилиши билан юзага келади⁹⁰. “Хукмлар мажмуи” тушунчасининг ўзи бир қанча жиноятларнинг алоҳида шакли бўлгани ҳолда жиноят-процессига мансуб бўлган “хукм” тушунчасини акс эттирганлигини, бунда бир қанча жиноятнинг мазкур турини “жазони тўлиқ ўтагунга қадар янги жиноят содир этиш” тарзida номлаш мақсадга мувофиқлиги баён қилинади⁹¹.

Иккинчи гурух олимлари бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тушунчасига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб таъриф берадилар. Хусусан, Ҳ.Очиловнинг таъкидлашича, “бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш деб маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин асосий ва қўшимча жазоларни тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиб жазо тайинлашига айтилади”⁹².

Ушбу масала юзасидан З.С.Зарипов “маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этган тақдирда жазо тайинлаш бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш деб эътироф этилишини қайд этади. Бундай ҳолларда суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазога илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади” деб ёзади⁹³. В.В.Коряковцев ва К.В.Питульколарнинг таъбири билан айтганда, “бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш шахс томонидан биринчи ҳукм юзасидан белгиланган жазони ўтаб бўлмасидан туриб янги жиноятнинг содир этилишидир”⁹⁴. Бу борада В.И.Селеверстов⁹⁵, М.Н.Голоднюк⁹⁶, В.В.Диаконов⁹⁷ ва Т.Г.Черновалар⁹⁸ ҳам шунга ўхшаш фикр билдириб ўтади.

⁹⁰ Спивак С.Г. Назначение наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров. Диссертация ... кандидата юридических наук. –М., 2008.–с.21.

⁹¹ Спивак С.Г. Назначение наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности: 12.00.08 -уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. –Москва, 2007. –с. 10.

⁹² Очилов Ҳ. Жиноят ҳукуки. (Умумий қисм): Саволлар ва жавоблар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.-Б.97.

⁹³ Жиноят ҳукуки: умумий қисм. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Тошкент: Академия ноширлик маркази, 2005.–345-б.

⁹⁴ Коряковцев В.В., Питулько К.В. Уголовное право: общая часть.–СПб: ООО “Питер Пресс”, 2008.–С. 180

⁹⁵ Уголовное право. Учебное пособие/ Под ред. проф. Л.Д.Гаухмана и проф. С.В.Максимова. –М.: Элит, 2007.– С.217.

⁹⁶ Уголовное право России. Общая часть: Учебник для вузов/ Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф.Кузнечовой и д.ю.н. И.М.Тяжковой. –М.:Зерцало, 2005.–С.551.

⁹⁷ Диаконов В.В. Уголовное право России (Общая часть) Учебное пособие // Allpravo.ru. -2003.

Н.И.Ветровнинг фикрига кўра, жиноий жавобгарликка тортилган шахс, маҳкум унга нисбатан ҳукм чиқарилганидан кейин, аммо ҳукмда кўрсатилган жазони тўлиқ ўтамасдан, янги жиноят содир этган тақдирда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш институтининг қўлланилиши учун асос бўлади⁹⁹. Т.Г.Чернова ҳам бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш институтининг асосини шундай талқин қиласади¹⁰⁰.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамасдан, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига аввалги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Учинчи гурухдаги олимлар умумий қоидалардан келиб чиқиб фикр билдиради, яъни “Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда шахснинг суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ жараёнида янги жиноят содир этганлиги, жиноятчининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқорилигидан, рецидив жиноятчи шаклланаётганлигидан, тайинланган жазодан кўзланган мақсадга эришилмаганлигидан, унинг янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун етарли бўлмаганлигидан далолат беради”¹⁰¹. Ю.А.Красиков “шахснинг бир жинояти учун жазони ўтаб бўлмай туриб янги жиноят содир этиши, шубҳасиз, жазодан кўзланган жиноятнинг олдини олиш мақсадига эришилмаганлигини, жиноятчига қўлланилган жазо етарли эмаслигини кўрсатади”-деди¹⁰².

Дарҳақиқат, шахс томонидан жазони ўташ вақтида янги жиноят содир этиши унинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқорилигини англатади. К.И.Стихинанинг таъбири билан айтганда, бу ҳол ушбу институтининг битта жиноят учун жазо тайинлашдан фарқини белгилаб беради¹⁰³.

⁹⁸ Чернова Т.Г. Назначение наказания по совокупности приговоров по уголовному праву России. Автореферат дисс. ... канд. юрид. наук. –Ижевск: Удмуртский государственный университет, 2001.–с. 24

⁹⁹ Уголовное право. Учебник / Под ред. Ветрова Н.И. и Люпунова Ю.И. –М.: Юриспруденция, 2002.–С.234.

¹⁰⁰ Чернова Т.Г. Назначение наказания по совокупности приговоров по уголовному праву России. Автореферат дисс. ... канд. юрид. наук. –Ижевск: Удмуртский государственный университет, 2001.–с. 24

¹⁰¹ Уголовное право России. Общая часть. Учебник для вузов / Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф.Кузнецовой и д.ю.н. И.М.Тяжковой. –М.:Зерцало, 2005.–С. 551-552.

¹⁰² Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. 4-е изд. / Под общ. ред. В.М.Лебедева –М.: Норма, 2005.–С.168-169.

¹⁰³ Стихина К.И. Совокупность приговоров как форма множественности преступлений // Молодой ученый. –2017. -№32. –С.72-75.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”¹⁰⁴ги 1-сонли қарорида “Жиноят кодексининг 60-моддаси 1-қисмида назарда тутилган бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қоидалари биринчи ҳукм эълон қилинганидан сўнг, лекин ўша ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазолар тўлиқ ўталгунга қадар маҳкум томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда қўлланилади” деб тушунтириш берилади¹⁰⁵. Ушбу тушунтиришга қўшилмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси 1-қисмида назарда тутилган бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қоидалари биринчи ҳукм эълон қилинганидан сўнг эмас, балки ҳукм қонуний кучга кирганидан бошлаб ўша ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазолар тўлиқ ўталгунга қадар маҳкум томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда қўлланилиши лозим, чунки ЖКнинг 60-моддасидаги чегаранинг аниқ белгиланиши суд амалиётидаги номувофиқликларни бартараф этади.

Айрим олимлар бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш рецидив жиноят тушунчасига мувофиқ келишини таъкидлаб, яъни шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасдан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб айтилишини ва рецидив жиноят билан бир неча ҳукм тушунчалари қиёсий таҳлил қилинганида рецидив жиноят тушунчаси фақат қасдан қилинган жиноят учун судланганидан кейин яна қасдан жиноят содир этганликни назарда тушишини, бир неча ҳукм тушунчаси эса, маҳкумга нисбатан ҳар қандай жинояти (қасдан ёки эҳтиётсизликдан қилинганидан қатъий назар) учун жазо тайинлашни назарда тутишидан келиб чиқсан ҳолда рецидив жинояти учун жазо тайинлашни назарда тутишидан келиб чиқсан ҳолда рецидив жиноят учун жазо тайинлаш тушунчасига нисбатан бир неча ҳукм тушунчаси анча кенгроқ хисоблансада, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тушунчаси ҳам бир қанча жиноятлар содир қилиш доирасига киришини таъкидлайди¹⁰⁶.

“Ҳукмни чиқариш уни очик эълон қилиш билан якунланиши сабабли ЖКнинг 60-моддасида кўзда тутилган ҳукмлар жами бўйича жазо тайинлаш қоидаси маҳкум томонидан биринчи ҳукм эълон қилингандан сўнг, лекин ҳукм бўйича тайинланган

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори <http://www.lex.uz>.

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. -2006.-3 февраль. -№1.

¹⁰⁶ Крупская Н.Н. Назначение наказания по совокупности преступлений и приговоров Ростов-на-Дону. 2007.

асосий ва қўшимча жазолар тўла ўталгунга қадар янги жиноят содир этилган ҳолларда қўлланилади”¹⁰⁷.

Демак, олимлар томонидан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш деб эътироф этилишнинг асосий шарти сифатида илгари содир этилган жиноят учун тайинланган асосий ва қўшимча жазоларнинг тўлик ўталмаганлиги қўрсатиб ўтилади, яъни “айбдор бир жиноят учун ҳукм чиқарилганидан кейин яна янги жиноят содир килган тақдирда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш зарурати туғилади”¹⁰⁸.

Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг асосий мезони бўлмиш ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб тайинланган жазони ўтагунга қадар содир этилган жиноят, яъни ушбу вақт оралиғида субъектив томондан қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида, объектив томондан тугалланган ғайриқонуний тажовуз тушунилади.

Бир жинояти учун судланиб, ҳукм чиққан, биринчи ҳукм чиққунга қадар бошланиб, ҳукм чиққандан сўнг ҳам давом этган сурункали ва давомли жиноят содир этишда айбдор деб топилса, иккинчи ҳукм бўйича унга жазо тайинлашда ҳам суд Жиноят кодексининг 60-моддаси қоидаларига риоя этиши лозим.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ, бир неча ҳукм юзасидан жинояtlар тақорланган ҳолларда жазо тайинлаш анъанавий тажрибага зид эмас. Ўз навбатида, илк бор содир этилган жинояtgа жазо тайинлашда эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида назарда тутилган умумий асослар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига асосан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда судлар ҳукмнинг кириш қисмида илгариги ҳукм юзасидан белгиланган жазонинг тури ва ўталмаган қисмини аниқ қўрсатмоғи ва уни Жиноят кодексининг 60-моддасига кўра янги ҳукм бўйича тайинланган жазога тўла ёки қисман қўшмоғи лозимлигини эътироф этиб, ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда олдинги ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазонинг қанча қисми шахс томонидан реал ўталмаганлиги аниқланиши лозим. “Бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлашнинг бош омили сифатида “ўталмай қолган жазо” мавжуд дейиш учун қуйидаги ҳолатларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади:

-содир қилган жинояти учун шартли ҳукм қилинган шахснинг ўталмай қолган синов муддати;

¹⁰⁷ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳла р. Умумий қисм. –Тошкент: Илм-зиё, 2006.-797-б.

¹⁰⁸ Усмоналиев М. Жиноят хукуки (умумий қисм). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. -495-б.

-шартли равища муддатидан илгари жазодан озод қилинган ва жазонинг ўталмаган муддати;

-жазони ўташ кейинга қолдирилган ҳолатларда жазонинг кейинга қолдирилган муддати;

-олдинги суд ҳукмiga қўра тайинланган жазонинг шахс томонидан янги жиноят содир этилган вақтдаги ўталмай қолган қисми¹⁰⁹.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорига қўра қўйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги олдинги ҳукм юзасидан белгиланган жазонинг ўталмаган қисми деб ҳисобланиши учун асос бўлади:

-жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод этилганда жазонинг маҳкум томонидан ўталмай қолган қисми;

-олдинги ҳукм бўйича тайинланган шартли ҳукмнинг бутун муддати;

-ЖПКнинг 533-моддаси тартибида ижроси кечиктирилган жазо муддати¹¹⁰.

Илгариги ҳукм бўйича тайинланиб, ўталмай қолган қўшимча жазо бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланган асосий жазога фақат қўшимча жазо сифатида қўшилиши мумкин. Шунингдек, Олий суд Пленумининг юқорида номи келтирилган қарорининг 56-1-бандига қўра, агар жиноятлар мажмуи ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси жиноятлардан бири учун ҳукмнинг бирида асосий жазо сифатида, бошқа жиноят учун ҳукмда қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, улар асосий жазо учун белгиланган муддат доирасида тўлиқ ёки қисман қўшилиши лозим. Бунда узил-кесил тайинланган жазо асосий жазо ҳисобланади.

Қўйида айрим тоифадаги жазолар бўйича бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тартибини кўриб чиқамиз:

Судлар томонидан Жиноят кодексининг бир неча моддаси бўйича ахлоқ тузатиш ишлари тайинланаётганда, жазо муддати ва иш ҳақидан чегирма миқдори ҳар бир модда бўйича алоҳида, сўнгра, уларнинг мажмуи бўйича белгиланади. Бунда жазонинг узил-кесил муддати ва чегирма миқдори Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасида белгиланган чегарадан ошиши мумкин эмас.

Бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати йигирма беш йилгача бўлган муддатга, вояга етмаганларга нисбатан эса ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

¹⁰⁹ Коряковцев В.В., Питулько К.В. Уголовное право: общая часть. –ПСб: ООО “Питер Пресс”, 2008. –с.180.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ти қарори <http://www.lex.uz>.

Суд узил-кесил жазо тури ва микдорини, янги ҳукм бўйича тайинланган жазога илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўлиқ ёки қисман қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинлайди. Эътиборли жиҳати шундаки, янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазо тўлиқ ҳисобга олиниши лозим, акс ҳолда ушбу ҳол ҳукмнинг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар айбдор ҳукм эълон килингандан кейин бир неча жиноятларни содир этган бўлса, суд аввал жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаб, унга олдинги ҳукм бўйича ўталмай қолган жазони тўла ёки қисман қўшади.

Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш, жазо тайинлашнинг маҳсус тартиби бўлиб, шахсга нисбатан муайян жиноят учун ҳукм чиқарилгандан бошлаб то асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлгунга қадар шахс янги жиноят содир қилган тақдирда суд айбдорга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидаларини қўллаган ҳолда жазо тайинлайди¹¹¹.

Суд томонидан ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб тайинланган жазони ўтаб бўлгунча бўлган даврдаги содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра жазо тайинлашнинг умумий асослари, айбдорнинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, бундан ташқари, жазо тайинлашда шахс томонидан жиноят аввал тайинланган жазо ўташ даврида содир этилганлигини ҳисобга олиши лозим.

Бир неча ҳукмлар юзасидан қўшимча жазо тайинлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, зеро, “жазо тайинлашда адолат ва одиллик принципини амалга оширишнинг муҳим шарти жиноят содир этган шахсга нисбатан асосий жазога яна жиноят қонунида назарда тутилган жазолардан бирини қўшимча жазо сифатида тайинлашдир”¹¹².

Бизнинг фикримизча, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш таркиб жиҳатдан икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятлардан ташкил топган бўлсада, бир қанча жиноятлардан фарқли жиҳати ҳукм чиққандан сўнг жиноят содир этилишидир.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир неча жиноят учун жазо тайинлаш билан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш ўртасидаги асосий фарқлардан бири бу жиноят содир этилишидаги аниқ чегара ҳисобланади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59- ва 60-моддаларига назар соладиган бўлсак, ушбу моддалардаги чегара анчагина бир бирига номувофиқ. Яъни, ЖКнинг 60-моддаси мазмунига кўра, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича

¹¹¹ Усмоналиев М. Жиноят хукуки (умумий қисм). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. -498-б.

¹¹² Усмоналиев М. Жиноят хукуки (умумий қисм). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –514-б.

тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. ЖКнинг 59-моддасида эса, шахс Махсус қисмнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинланиши белгиланган. Судланганлик эса, ЖКнинг 77-моддасига биноан жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланиши кўрсатилган.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, судланган бўлмаса деган жумла ҳукм қонуний кучга киргунча деган жумла билан мос келади ва ушбу тушунча ҳукм чиқарилган вақтни ҳам ўз ичига қамраб олади. Шу сабабли, ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятлар учун жазо ЖКнинг 59-моддаси, ҳукм чиқарилганидан сўнг содир этилган жиноятлар учун жазо ЖКнинг 60-моддаси бўйича тайинланишини инобатга олиш зарур. Ушбу чегарани аниқ белгилаб қўйиш содир этилаётган жиноятлар учун жазо тайинлашда муҳим аҳамият касб этиб, бу эса жиноят қонунчилигидаги номувофиқликларни бартараф этиш ва суд амалиётини жиноят қонунчилигига мувофиқ тарзда олиб борилишини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига қўйидагича ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

60-модда. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш

Агар маҳкум ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Ушбу қоидаларнинг давоми сифатида шартли ҳукм қилишга қайтадиган бўлсак, бунда синов муддатининг бошланиш вақти сифатида ҳукмнинг қонуний кучга кириш вақти эмас, балки айнан ҳукм чиқарилган вақт белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 2-қисмига мувофиқ шартли ҳукм қилишда синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам синов муддатини ҳисоблаш шу кундан (яъни, ҳукм чиқарилган кундан) бошланади. Ўзбекистон Республикаси Жазони ижро этиш кодексининг 179-моддасида ҳам синов муддатининг бошланиш вақти сифатида ҳукм чиқарилган вақт белгиланган. Бизнингча эса, ЖИКнинг 5-моддаси жазо билан бир вақтда жазони ўташдан озод қилиш тури (амнистия акти

ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш) учун ҳам ҳукмнинг қонуний кучга кириш шартини қуяр экан, айнан мазкур шарт шартли ҳукмга ҳам тааллуклидир.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб, Жиноят кодексининг 72-моддаси 2-қисмини “Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади”, ЖИКнинг 179-моддасини эса “Синов муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади” таҳририда ўзгартиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шартли ҳукм қилинган шахс томонидан синов муддати давомида янги жиноят содир этилса, суд унга ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди. Бунда суд узил-кесил жазо тайинлашдан олдин, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси бор-йўклигидан қатъий назар, биринчи ҳукмнинг шартлилигини бекор қиласди. Бундай ҳолда, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш пайтида суд, ЖКнинг 72-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда яна шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Масалан, ушбу ҳолатга 2018 йил 13 март куни жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судида қўрилган А.З. ва бошқаларнинг жиноят ишини мисол сифатида келтириш мумкин. А.З.га муқаддам 2017 йил 5 октябрь кунги суд ҳукмига асосан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, 2 йил синов муддати белгиланганига қарамай, яна жиноятни содир этиб, 5 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суд А.З.га жазо тайинлашга айбига тўлиқ икрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланганлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хulosага келиб, синов муддати давомида янги жиноят содир этгани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида илгари суд ҳукми билан тайинланган 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳукм қилиниб, белгиланган 2 йил синов муддатини бекор қилиб, асосий 5 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган ва тайинланган 5 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси яна шартли ҳукм қилиниб, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, 2 йил синов муддати белгилаган. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Бир марта шартли ҳукм қўлланган шахсга яна шартли ҳукм қўлланиши мумкинми ёки суд ушбу масалани қонуний ҳал қилганми. Ҳа шундай, суд ушбу ҳолатни қонуний ҳал қилган дейишимизга асос бор. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти

тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 36-бандида “қонун бўйича синов муддати давомида янги жиноят содир этилса, суд унга ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди. Бунда суд узил-кесил жазо тайинлашдан олдин, шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдимномаси бор ёки йўқлигидан қатъий назар, биринчи ҳукмнинг шартлилигини бекор қиласди. Бундай ҳолда, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш пайтида суд ЖКнинг 72-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этилган ҳолда яна шартли ҳукм қўллаши мумкин” деб қайд этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. –Т.: ТДЮИ, 2003. -92-б.
2. СОМнинг 15.04.2021 йил №36-21-сон хатига Олий суднинг 03.05.2021 йил 7/14-8809-156-сон жавоб хати
3. Коряковцев В.В., Питулько К.В. Уголовное право: общая часть. –ПСб: ООО “Питер Пресс”, 2008. –с.180.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори <http://www.lex.uz>.
5. Стихина К.И. Совокупность приговоров как форма множественности преступлений // Молодой ученый.
6. -2017. -№32. –С.72-75.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори <http://www.lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. - 2006. -3 февраль. -№1.
9. Крупская Н.Н. Назначение наказания по совокупности преступлений и приговоров Ростов-на-Дону. 2007.